



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2012 йил
5 декабрь
ЧОРШАНБА
№ 97
(12.525)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ТОМОРҚА - ТУГАНМАС ХАЗИНА

БАРАКА ҲАРАКАТДА ДЕГАНЛАРИ ТЎҒРИ

дейишади чинозлик икки томорқачи қўшилар Орзухон Бахтибоева ва Рашид Пардақулов

Тумандаги Олмазор шаҳарчасида оилавий бизнесини йўлга қўйиб, йилдан-йилга ривожлантириб бораётган хонадонлар кўп экан. Шаҳарча фуқаролар йиғини раиси Абдулла Турсунов ҳамроҳлигида уч-тўрт хонадонга кириб, бунга бевосита гувоҳ бўлдик. Айниқса, бир парча томорқасидан оқилона фойдаланиб, уй-жой шароити турмуш фаровонлигини ошириб бораётган тadbirkорларнинг саъй-ҳаракатлари таҳсинга лойиқ.

"Ишчилар" маҳалласилик Рашид Пардақулов яқин атрофда уста цитрусчи сифатида танилган экан. Иссиқхонада лимон ва мандарин етиштириш билан шуғулланаётганига 8 йилдан ошпти. Ёш шаклида ишланган 4 сотихли иссиқхонасида ҳозир 25 туп лимон ҳосили гарқ пишиб ётибди. Тўрт мавсумдан бери ҳар йили 600 килограмдан кўпроқ лимонни савдога чиқараётди. 10 туп мандарин бу йил ҳосилга кириб, бошламасига 10 килограмдан зиёд маҳсулот берди.

Бу йил синов учун уч туп банан эқдим, - дейди томорқачи. - Айримлар Ўзбекистонда банан пишарканми, деб шаштими қайтаршмоқчи. Аммо, мен кўл урган ишимни охирига етказмагунча қўймайман, ба-



нан учун хос ва мос иқлим яратишга уриниб кўраман. Ажаб эмаски, мақсадимга эришсам.

Орзуга айб йўқ деймиз-у,

аммо ҳаракатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Рашид Пардақуловнинг ҳаракатчанлиги 6 сотих томорқасида қилаётган ишларидан яққол

кўриниб турибди. Иссиқхонадан ортган 2 сотих очик ерда онаси Рамила ая ҳамда укаси Раъшан кўмағида помидор, картошка, карам, сабзи ва

турли кўкатларни галма-гал етиштиряпти, рўзгордан ортганини бозорга чиқараёпти.

(Давоми 2-бетда).

ФАРМОН ВА ИЖРО

Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилётган танловнинг Тошкент вилояти босқичларида ғолибликни қўлга киритган 120 нафар қиз иштирок этди.

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР САРАЛАНДИ

Шу муносабат билан ташкил этилган тadbирда Тошкент вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Файзиёва ва бошқалар мамлакатимизда хотин-қизларнинг меҳнат қилиши, таълим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, спорт билан шуғулланиши, ўз истеъдод ва маҳоратини намойиш этиши учун барча зарур шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 1999 йил 10 июнда қабул қилинган "Зулфия номидаги Давлат мукофоти" таъсис этиш бўйича тақдирларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони-

га мувофиқ таъсис этилган ушбу мукофот учун ўтказилётган танловда қатнашиш истиғини билдирган қизлар сифати йил сайин кенгаймоқда. Танловнинг шахар ва туман босқичларида минг нафарга яқин қиз беллашди. Қўриқ-танловнинг вилоят босқичида номзодларнинг фан, таълим, маданият, санъат ва адабиёт йўналишлари бўйича билими, салоҳияти ва истеъдоди синовдан ўтказилди. Ушбу йўналишлар бўйича ғолиб бўлган қизлар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

Вилоят ҳокимлигида хотин-қизлар кўмитаси, "Ҳамдўстлик" аёллар клуби, Ҳиндистон элчихонаси ва Ляль Баҳодир Шастри номидаги ҳинд маданият маркази ташаббуси ва ҳамкорлигида "Ҳиндистон маданияти ва анъаналари"га бағишланган маънавий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.

Ўзбекистондаги бир қатор чет эл элчихоналари, вилоят ҳокимлиги вакиллари, хотин-қизлар кўмитаси, Зангиота, Қибрай ва Янгийўл тумани фаол хотин-қизлари иштирок этган тadbирда кўп миллатли Ҳиндистон халқининг бетакор маданияти, қўшқичлик ва рақс санъати, ўзига хос ранго-ранг миллий либослари, тасвирий санъат асарлари намойиш этилди. Ҳиндистон элчисининг

рафиқаси Ратна Сарма хоним ўзбек-ҳинд маданияти ва санъатидagi ўзига хос ўхшашлик, уйғунлик, дўстона алоқани, Ҳинд маданият маркази қошида ташкил этилган тўғарақларга қатнашган ўзбек қизларининг, Ҳиндистонлик санъат усталарининг, рақслари йиғилишларида қатнашса сурат қолдириди. Саида РАҲМОНОВА.

ЁШ ХУНАРМАНД ВА ТАДБИРКОРЛАР КЎРГАЗМАСИ

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан Чирчиқ шаҳрида хунарманд ва ёш тadbirkорлар иштирокида "Ватаним тараққиётига менинг ҳиссам" шиори остида маҳсулотлар кўргазмаси уюштирилди.

Тadbирда турли йўналишларда юқори натижаларга эришган 42 нафар ёш хунарманд ва тadbirkор иштирок этди. Ташкилотчилар уюштирган давра суҳбатида тadbirkорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари хусусида сўз юритилди.

Тadbир сўнгиде фаол иштирок этган тadbirkор ва хунармандларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

ТУМАН ГАЗЕТАЛАРИГА БИР НАЗАР

МУСТАҲКАМ ОИЛА МАВЗУИ - «МАШЪАЛ» САҲИФАЛАРИДА

"Оила соғлом экан - жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан - мамлакат барқарор". Давлатимиз раҳбари илгари сурган бую Урта Чирчиқ туман газетаси "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастурининг ижросига бағишлаб эълон қилаётган мақолаларда қизил иб бўлиб ўтапти.

Албатта, ҳафтада бир марта чиқаётган туман газетасининг имкониятлари чекланган. Лекин шунга қарамай, "Машъал" саҳифаларида соғлом оилани шакллантириш, унинг турмуш тарзини гузал ва ризқли қилиш, ҳар жиҳатдан баркамол янги авлодни тарбиялашдаги ролини кучайтириш мавзусига бағишланган материалларни кўплаб ўқиш мумкин.

Авалло, бу мавзунинг ёритиш жанри ва рўқнлари хилма-хиллиги диққатга сазовор. Йилнинг дастлабки кунлари эълон қилинган "Баркамоллик сари" мақоласида овоз ва обод Ватан, тинч-фаровон ҳаёт куришга ҳисса қўшаётган Мирзаевлар оиласи ҳақида ҳикоя қилинади. Оила бошлиғи Илхом ўқув-техника спорт клубида, уй бекаси - Термиз шаҳрида "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтказилган VI Республика аёллар спорт фестивалида қисқа масофага югуриш бўйича иккинчи ўринни эгаллаган Дилдора эса, 29-мактабда ўқитувчи. Мақола ширали тилда таъсирли эзилган.

"Оила - маънавият бешиги", "Мустаҳкам оила бахт-саодат қононаси" сарлавҳали мақолаларда фарзанднинг ахлоқ-одоби, ота-онасига, катта-кичикларга ҳурмати, инсонийлик фазилатлари оила муҳитида шаклланиши, лекин қилликка ўз-ўзидан етишиб бўлмаслиги ишонари, таъсирли баён этилган. Газета тарбияда оиланинг ролини кучайтиришга бағишлаб амалга оширилаётган ташкилотчилик ҳақида ҳикоя қилинади. Оила бошлиғи Олимлар, шоир ўзвундуқлар, малакали шифокор хуқуқшунослар, ҳаётий таърибаси бой кекса авлод вакиллари иштирокидаги уч-

рашув ҳамда давра суҳбатлари бағишланган хабар ва мақолаларга ҳам кенг ўрин бермоқда. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи Каромат Шокорованинг она ва унинг фарзанд тарбиясидаги ўрни ҳақида "Севиң" сарлавҳали мақоласидаги ҳикоя ўқувчининг онгу шуурига катта таъсир қўради.

Ибрат - таъсирчан омил. Шунинг назарда тутиб, ижодий жамоа ахил-тотув ҳаёт кеңираётган хонадонларнинг турмуш тарзини мунтазам ериштириб. Бу мавзу оила аъзоларининг ҳамжиҳат меҳнати, рўзгорни тўққис қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатларни фарзандларга аниқ инсоний фазилатларни тарбиялаш, уларни эл-юрт хизматига тайёрлаб, шуларга Ватанга садоқат туйғусини, турли зарарли оқимлар, диний-экстремистик кучлар таъсиридан сақланиш кўникмасини синдириш масалалари билан уйғунликда очиб берилаётган. Бу жиҳатдан "20 сотихдан" "Нексия" ва "Дамас" сарлавҳали мақола алоҳида аҳамиятга эга.

(Давоми 2-бетда).

КЎРИК-ТАНЛОВ

ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР «КАМОЛОТ» ЭЪТИБОРИДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши "Йилнинг энг фаол ёш журналисти" кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросимини ўтказди.

Ёшларни демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишдек буюк мақсад йўлида янада жиҳслаштириш, иқтидорли ижодкор ёшларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишларига кўмаклашиш ва рағбатлантириш, жамият фаолиятидаги иштирокини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида таш-

кил этилган икки босқичли танловда 30 ёшгача бўлган профессионал ва ҳаваскор журналистлар иштирок этишди.

Ҳакамлар ҳайъати иштирокчилар ҳудудий босқичда тақдим этган "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури мавзусидаги ижодий ишларини муаллифнинг дунёқараши ва фикрлаш доираси, мавзулар камрови ва ўқишлилигига қараб саралаб олди. Бу босқичда радио, телевидение, маъбулот, фото ва интернет-журналистика йўналишларида оммавий ахборот во-

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МДҲГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ислам Каримов 2012 йил 5 декабрь кунини Ашхобод шаҳрида Мустақил Дав-

латлар Ҳамдўстлигига (МДХ) аъзо давлатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

МАЪНАВИЯТ

КОНСТИТУЦИЯ ВА ДЕМОКРАТИЯ

Эркинликнинг маънавий жиҳатлари ҳақида айрим мулоҳазалар

"Мустақиллик - бу ҳуқуқ!". Президентимизнинг бу даъвати бугунги ялпи янгиликнинг ва тараққиёт тамойилларининг асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Зотан, фақат қонунига ижтимоий ҳаётнинг барча соҳасини, жумладан Ҳатти-ҳаракатларимиз ва қарашларимизни умумийлик манфаати йўлида уйғуллаштирилади. Конституция инсонни қадрият сифатида қадрлайди, унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бу эса қонунийликнинг маънавий асосларини белгилайди.

Демократия - кишилик тарихида инсоннинг онгли ҳаёти бошланган даврдан буён унинг эркинлик, ҳоҳиш-истаганини белгилайдиган мезон бўлиб келмоқда. Албатта, кишилик жамияти шаклланиш давридан тортиб то цивилизациялашган турмуш тарзи, ҳар жиҳатдан чуқур илғиз отган давлатчилик ва шу асосда маъмул тартиб-қоидага кириб қолган аниқ йўналишлар ўрнатилади. Бу борда катта фарқ бор. Чунки, асрлар мобайлида одамлар дунёқараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари ошди. Ҳаётга муносабатлари янгича тус олди.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга шу жамиятни ташкил этган фуқаролар умумий дунёқарашининг ўзига мўлжал қилиб берилган. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари асосида шаклланган маънавий-руҳий олами жамиятда қарор топадиган демократик жараёнлар мазмунини белгилайди.

Яқин ўтмишда "қизил империя" демократик тамойилларга асосланган инсон эрки ва яшаш ҳақидаги чегаралаб қўйган эди. Зўравонликка таянган сиёсат табиатан ооздикини ёқирмас ва том маънодаги демократияни тан олмас эди. Америкалик сиёсатшунос Диана Ревич таъбири билан айтганда, "Тоталитар сиёсий тузумлар сулстик ва лоқайдлик қайғитини ривожлантиради. Тузум отаотвор ва лаббайғи фуқароларни шакллантиришга интилади. Бундан фарқи ўларок, демократик жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гурuhlарнинг эркин ихтиёр этган фаолияти тўғрисида шаклланади. Озод жамият фуқаролари ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишлар ва ўз ҳаётлари учун маъсулиятини ўз зиммаларига олади". Шу маъсулиятнинг ўзи инсоннинг жамият олдидagi бурчини ҳам, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларини ҳам белгилайди. Бу бевосита шахс, жамият ва демократия тушуналари билан узаро боғлиқлигидан, му-

носабатлар ўртасидаги маданиятдан келиб чиқади. Жамият тоталитар тизимдан эркин фуқаролик тузумига ўтаётган шароитда демократияни англаш, унинг бутун моҳиятини тушуниш ва маъсулиятини зиммага олиш анча қийин иш. Энг аввало, одам янгича шароит мазмун-моҳиятини англаши, унга ўзини-ўзи тайёрлаб бориши, эркин фикрлаш кўникмасини ҳосил қилиши зарур. Қотиб қолган тушунчалар қобилигини синдириш, фикрсизлик ва боқиманда руҳиятдан халос бўлиш осон эмас.

Мамлакатимизда мавжуд ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий барқарорлик, ишлаб чиқаришдаги улусқиз жараён бевосита қонуни устуворлигининг, Конституцияга ҳурмат билан қарашнинг натижасидир. Одатда яқна-яқна шахсларнинг руҳий кечинмалари, ҳатти-ҳаракатлари ва феъл-авторидан умум-жамият қайфияти, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Ҳаттида бу борда катта фарқ бор. Чунки, асрлар мобайлида одамлар дунёқараши ўзгариб, талаб-эҳтиёжлари ошди. Ҳаётга муносабатлари янгича тус олди.

Демократия бевосита жамият тараққиёти, унинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва бошқа жиҳатлари билан бирга шу жамиятни ташкил этган фуқаролар умумий дунёқарашининг ўзига мўлжал қилиб берилган. Бошқача қилиб айтганда, аҳолининг турмуш тарзи, анъаналари ва урф-одатлари асосида шаклланган маънавий-руҳий олами жамиятда қарор топадиган демократик жараёнлар мазмунини белгилайди.

Яқин ўтмишда "қизил империя" демократик тамойилларга асосланган инсон эрки ва яшаш ҳақидаги чегаралаб қўйган эди. Зўравонликка таянган сиёсат табиатан ооздикини ёқирмас ва том маънодаги демократияни тан олмас эди. Америкалик сиёсатшунос Диана Ревич таъбири билан айтганда, "Тоталитар сиёсий тузумлар сулстик ва лоқайдлик қайғитини ривожлантиради. Тузум отаотвор ва лаббайғи фуқароларни шакллантиришга интилади. Бундан фарқи ўларок, демократик жамиятнинг фуқаролик маданияти алоҳида шахслар ва гурuhlарнинг эркин ихтиёр этган фаолияти тўғрисида шаклланади. Озод жамият фуқаролари ўз манфаатлари йўлида ҳаракат қиладилар, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишлар ва ўз ҳаётлари учун маъсулиятини ўз зиммаларига олади". Шу маъсулиятнинг ўзи инсоннинг жамият олдидagi бурчини ҳам, жамият ва шахс ўртасидаги муносабатларини ҳам белгилайди. Бу бевосита шахс, жамият ва демократия тушуналари билан узаро боғлиқлигидан, му-

Америкалик илоҳиётчи Рейнхольд Нибурнинг фикрича, "Инсоннинг адолатпарварлик қобилияти демократиянинг рўёбга чиқишига имконият яратди, аммо инсоннинг адолатсизликка мойиллиги демократияни зарурат даражасига кўтарди". Демак, инсон қанчалар адолатга, ҳақиқатга интилади, жамиятда демократик тартибнинг, турмуш тарзининг шаклланишига имкон яратди, унинг яшаш кетишига шароит туддиради. Бироқ, фақат шуни ўзини-ўзи эълон қилган эмас. Инсон табиатан адолатга қанчалар интилади, адолатсизликка ҳам шунчалар мойил бўлади. Чунки адолат ва ҳақиқатга интилиш маъмул қонуни-қоидаларга бўйсуниб яшашни тақозо этади. Адолатсизлик эса, аксинча, қўнғил тусанача яшашга, турли жиҳатдаги суиистеъмочилик ва ашаддий худбинлик иллатларининг қулайлигига замин яратди. Натижада том маънодаги демократияга зарурат қуяди.

Демократия бизга инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилмайдиган умум-жамият ва умумдавлат манфаатларини эсда тутиб бариш қонунига бўйсуниб яшашни ўргатади. Аниқ шу тамойил Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги тула сингдирилган. Унинг ҳуқуқий, маънавий ва миллий қадрияти ҳам шунда.

Рабр демократиясида очикдан-очик муносабат, Шарқ демократиясида эса аксинча - андиша-лилик. Рабда ота-онасини сенсирлаш, Шарқда эса ўзимдан катталарга ҳурмат билан қараш, ақл билан иш тутиш анъаналари мавжуд. Умуман, ҳаёт тарзи, анъаналар ҳамма вақт ҳар бир мамлакат ҳалқларининг ҳулқ-авторидан одатда, феъл-авторига айланган. Демак, зарурат тутилганда, юқорида айтганимиздек, Магрибдаги турмуш тарзини Маширикка кўчириш, Маширикдаги ҳолатни Магрибда эълорлаб амалга ошириш мумкин эмас. Ана шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда юз бераётган ҳароанларни қузатиб, ай-тиш мумкинки, ўз миллий давлатчилик таърихларимиз ва анъаналаримизга таяниб ҳар қандай шароитда оғир-вазминлик ва ақл-идрок билан иш тутиш мумкин. Буни оила институтига, шунинг билан жамият муносабатлари мисолида қўриш мумкин (Конституциянинг III, V, VI, VII, XIV боблари).

Биз, энг аввало, эркинликни, демократияни тарбиялашимиз керак. Чунки у соғлом фикрлар ва шаклланган ақл-идрок таъсирини бўлганча бизни тарбиялаши, жамиятни соғломлаштириши мумкин. Аксинча эмас!

(Давоми 2-бетда).

ФЕРМЕРЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Кейинги йилларда фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш кескин кучайиб, унинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланиб, янги-янги имтиёз ва имкониятлар яратилмоқда.

КЕНГАШ САЙЛАНДИ, НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ

Янгийўл туман фермерлари кенгашининг таъсис конференциясида ушбу имтиёз ва имкониятлардан янада самарали фойдаланиш масалалари теварағида сўз борди. Иштирокчилар туман фермерлар кенгаши олдига турган муҳим вазифалар, фермер ҳўжалиқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни ривожлантириш хусусида тақлиф ва тасвиялар беришди.

Конференцияда туман фермерлар кенгашини таъсис этиш, низомини тасдиқлаш ҳамда унинг раисини сайлаш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди. Туман фермерлар кенгашини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди, унинг устави тасдиқланди. Кенгаш ва тафтиш комиссиялари сайланди. "Сулаймон Бахтиёр нури" фермер ҳўжалиғи раҳбари Бахтиёр Султонов туман фермерлар кенгаши раислигига сайланди.

Расул КУШЕРБОВЕВ.

«OHANGARONDONMAHSULOTLARI»

акциядорлик жамияти жамоаси



барча ватандошларимизни мамлакатимиз
Бош Қомуси қабул қилинган куннинг 20 йиллиги
билан самимий муборакбод этади.

Озод Ватанимизнинг ҳар бир
фуқаросига оилавий тинчлик,
тани-сиҳатлик, тўқис бахт
ҳамда амалга ошираётган
фидокорона меҳнатларида
улкан муваффақиятлар
ёр бўлишини тилайди!
Давлатимиз Конституцияси
эркимиз ва фаровонлигимизни
мустаҳкамлаш йўлида
янада кўпроқ
хизмат қилаверсин!



Байрамингиз муборак!

«ЎЗВИНОСАНОАТХОЛДИНГ»

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни
8 декабрь –
Конституция куни
билан қутлашган беҳад
мамнунлигини изҳор этади.
Тобора чирой очиб, гуллаб-яшнаётган
Ватанимиз ривожу йўлига
амалга ошираётган ишларида омад
ва туганмас куч-қувват тилайди.
Сарҳадларимиз дахлсиз, осмонимиз
доимо мусаффо бўлсин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!

«КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда: 1. 23.07.2012 йилдаги 10683-84/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 110 402 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий 5-берк, Омонат тор кўчаси, 8-А уй манзилида жойлашган, умумий майдони 137 кв.м., бўлган ошхона биноси. 2. 23.07.2012 й. даги 10681-82/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 56 500 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Таш-ГРЭС кўчаси, 28-уйда жойлашган умумий фой. майдони 59,52 кв.м., яшаш майдони 33,32 кв.м бўлган 2 хонали 40-хонадон. 3. 23.07.2012 й. даги 10685-87/11-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич нархи – 52 000 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 1-тор кўчасида жойлашган умумий фой. майдони 139,85 кв.м., яшаш майдони 118,68 кв.м бўлган 6 хонали 12-уй.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 11 январь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 11 январь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2013 йилнинг 25 январь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз. 2012 йил 21 декабрь куниндаги такроран аукцион савдосига Яқкасарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСК-1-511/2007-сон ижро ва рақасига асосан Тошкент шаҳри, Яқкасарой тумани, Ракатбоши 1-тор кўчасида жойлашган, Д. Г. Бекмухаммедовага тегишли, бошланғич нархи – 263 288 424 сўм, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м.дан иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (ҳовли) куйилмоқда. Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлма-

ган миқдорда закат пулини «КО'Р TARMOQLI KO'SHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТИР 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога куйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимосиди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: № 0039.

«КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ куйидагиларни маълум қилади! Тошкент вилояти Зангиота тумани СИБ томонидан тақдим қилиниб "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 28.11.2012 йилдаги 95 (12.523)-сонидан ва "Ташкентская правда" газетасининг 28.11.2012 йилдаги 95 (11907)-сонидан чоп этилган хабарнома билан "КО'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг аукцион савдосига чиқарилган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, У. Юсупов кўчасида жойлашган 78-уй аукцион савдосидан олинганлигини маълум қиламиз. Савдодан олишга асос: Зангиота тумани СИБнинг 27.11.2012 йилдаги 11/26-6703-05/6-сонли хати. Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. Лицензия: RR-0001.

Тошкент вилояти «Матбуот тарқатувчи» шўба корхонасида республика ҳамда маҳаллий нашрларга 2013 йил боғна мавсуми давом этмоқда.

ОБУНАГА ҚУМАҚЧИ МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ

вилоятнинг барча туманларида филиаллари мавжуд.

Вилоят обуна бўлими: 8-370-233-13-04
Ангрэн шаҳар филиали: +998909018188
Бекобод шаҳар филиали: +998909592863
Бекобод туман филиали: +998935978107
Бўстонлик туман филиали: +998903790791
Зангиота туман филиали: +9989036197733
Олмалиқ шаҳар филиали: +998909336608
Оҳангарон туман филиали: +998935082299
Ўрта Чирчиқ туман филиали: +998903531614
Чиноз туман филиали: 8-370-59-31-331
Чирчиқ шаҳар филиали: +998944025333
Юқори Чирчиқ туман филиали: +998935087267
Пискент туман филиали: +998936197733
Қибрай туман филиали: +998936138316
Янгийўл туман филиали: 8-370-60-22-034

Гувоҳнома № 00690.

ИЖТИМОЙ РЕКЛАМА

2013 йилда қишлоқларда имтиёзли КРЕДИТ АСОСИДА ҚУРИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ УЙ-ЖОЙЛАР УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШ БОШЛАНДИ!

2013 йилда ЯНГИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Қишлоқ жойларда истиқомат қилувчи ҳар бир фуқаро учун янги уй сотиб олиш имконияти;
- Қўлай эволюция: дўкон, мактабларга яқин жойда;
- Замонавий дизайнли уйлар;
- Ҳар бир уй-жой 6 тоғич ер майдонига эга;
- Ичимлик суви, электр энергияси, табиий газ билан таъминланган ҳамда текис ва раво йўлларга эга;



Опангиз учун ёрдам КЕЛАЖАК ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Имтиёзли ипотека кредити орқали тежаб қилинган маблағингиз оилавий режалар ва орзуларни амалга ошириш учун сарфланади;
- Янги уйлар янада яхшироқ турмуш тарзи ҳамда оилавий тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратеди;

• Янги уйлар Сиз учун узоқ муддатли сарғим ва фарзандлар учун мерос.



Келажак учун ЖАМГАРМА ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Омонатингизни кўпайтириш имконияти;
- Имтиёзли фойз ставкасида 15 йил муддатга ипотека кредити;
- Солиқлардан озод қилинган ипотека тўловлари;
- Маюш миқдори йиллар давомида кўпайса ҳам, ипотека тўловлари 15 йил давомида ўзгармайди;
- Солиқдан озод қилинган қурилиш жараёни – тежамкорлик ва арзон нархлар сарови.



Замонавий қурилиш моллари ва ЮКОРИ СИФАТЛИ УЙ ЭШИКЛАРИНИ ОЧИНГ!

- Танловдан ўткан нудратчи қурувчилар ва қурилиш сифатининг юқорилиги;
- Бир йиллик сифат кафолати;
- Ҳаққини нархларда юқори сифатли замонавий қурилиш моллари.



Марҳамат, мурожаат қилинг:

- Туман ёки вилоят ҳокимликларига;
- Қишлоқ ёки маҳалла фуқаролар йиғинларига;
- "Қамолот" ЁИХ бўлиmlаларига;
- Хотин-қизлар қўмиталарига;
- "Қишлоқ қурилиш банк" филиалларига, минн банкларига;
- "Қишлоқ қурилиш инвести" филиалларига.

100060, Тошкент шаҳар, Шаҳрисабз, 36
Тел.: (+998 71) 150-93-39
Факс: (+998 71) 150-39-93
www.qqb.uz
e-mail: headoffice@qqb.uz

ЧП "SABINA TASHKENT", заре-гистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Мирабадского района г. Ташкента (реестр. № 005926-03 от 11.07.2012г.), расположенное по адресу: г. Ташкент, Узбекистан шоҳқучаси, дом 9-А, (ИНН 302344890), ЛИКВИДИРУЕТСЯ.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 24.08.2012 йилда гувоҳнома рақами 006140 билан рўйхатдан ўтган "MILENA BEAUTY" (ИНН 302370529) хусусий корхонасига тегишли булган бир дона думалоқ муҳр ҳамда бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Аввал Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани ТСРЎИ томонидан 28.05.2008 йилда 07-000741 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SUVLIQ-NUROTA" (ИНН 203996960) хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгараётганлигини ва "SUVLIQ-NUROTA" хусусий корхонасининг ҳуқуқий во-рисиси эканлиги, шунингдек унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари юзасидан жавоб беришини маълум қилади.

Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи томонидан 1998 йил 3 июлда Джуманов Зафардун Гулямович номига берилган АС № 087150 (реестр № 106) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ООО "STROYMEDREM" Мирзо-Улугбекского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 123 030 258,62 сум до 23 030 258,62 сум.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 4 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоржий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Англия фунт стерлинги	3164,28
1 БАА дирҳами	537,17
1 АҚШ доллари	1972,99
1 Миср фунти	323,02
1 Хитой юани	316,81
1 Россия рубли	64,04
1 Украина гривнаси	246,84
1 Малайзия ринггити	649,01
1 СДР	3028,16
1 Швейцария франки	2133,88
1 ЕВРО	2556,72
10 Жанубий Корея вони	18,22
10 Япония иенаси	239,35

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳокимликнинг ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Эркин Муҳаммад-ҳимовга волидаи муҳтарамаси ОЙДИН аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

